



# FARMATSIYA, IMMUNITET VA VAKSINA PHARMACY, IMMUNITY AND VACCINE ФАРМАЦИЯ, ИММУНИТЕТ И ВАКЦИНА



Ilmiy-amaliy  
jurnal



№1  
2022

ISSN: 2181 - 2470

Toshkent vaksina va zardoblar ilmiy - tadqiqot instituti

*Based on the data obtained, it can be concluded that the collection of «Phytoallergoderm» is highly harmless.*

*Key words: local irritant and allergenic effect, atopic dermatitis, collection.*

## Фармацевтика фанлари

УДК 615.277.3

**Султанова Гулнора Абилджановна**

*Ф.ф.н., ФИТҚ кафедраси доценти*

*Тошкент фармацевтика институти, Тошкент ш*

**Хидоятова Зулфия Шарифовна**

*Б.ф.н., ФИТҚ кафедраси доценти*

*Тошкент фармацевтика институти, Тошкент ш*

**Азимова Нозима Акрамовна**

*ФИТҚ кафедраси ассистенти*

*Тошкент фармацевтика институти, Тошкент ш*

**Мусаходжаева Ирода Нортожиевна**

*ФИТҚ кафедраси ассистенти*

*Тошкент фармацевтика институти, Тошкент ш*

## СУТ БЕЗИ САРАТОНИНИНГ ТУРЛИ БОСҚИЧЛАРИДА ТРАСТУЗУМАБНИ ҚЎЛЛАШ ОРҚАЛИ БИР ЙИЛЛИК АДЪЮВАНТ ТЕРАПИЯНИНГ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ

**Аннотация:** мақолада Сут бези саратонининг (СБС) турли босқичларида даволаш жараёнларини ўрганиш ва HER2+СБС эрта босқичларида Ўзбекистон соғлиқни сақлаш шароитида трастузумабни қўллаш орқали бир йиллик адъювант терапиянинг фармакологик-иқтисодий самарадорлигини баҳолашдан иборат бўлган. Сут бези саратонида қўлланиладиган таргет дори воситаларининг фармакоиқтисодий таҳлилини ўтказиш ва улардан оқилона фойдаланиш мақсадида бу дори воситаларининг иқтисодий самарасини ҳисоблаш ва HER2+Сут бези саратонининг эрта босқичларида Ўзбекистон соғлиқни сақлаш шароитида трастузумабни қўллаш орқали бир йиллик адъювант терапиянинг фармакологик-иқтисодий самарадорлигини баҳолашдан иборат бўлди.

**Калит сўз:** сут бези саратони, трастузумаб, адъювант терапия, дори воситалари, Human epidermal growth factor receptor (HER2) 2-тоифали эпидермал омил рецепторларини ўсиши.

**КИРИШ.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016-йил 31-октябрдаги ПҚ-2647-сонли “Аҳолини дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлашни янада яхшилашга доир чора-тадбирлар тўғрисида” ги қарорида “Аҳоли ва тиббиёт муассасаларининг арзон ва сифатли дори воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминланганлик даражасини янада ошириш, уларнинг нархини белгилаш бўйича очик-ошкора механизмни жорий этиш, мамлакатимизда арзон ва сифатли дори препаратлари бўлишига қарамасдан ташхис қўйиш ва даволаш стандартларида кўзда тутилмаган ҳамда асосан қиммат импорт дори воситаларини тавсия этиш каби номақбул амалиётнинг олдини олиш ва келгусида бундай ҳолатларга йўл қўймаслик” таъкидланган [5].

Республикада соғлиқни сақлашни ислоҳ қилиш давлат дастурларини амалга ошириш доирасида аҳолига онкологик тиббий ёрдам кўрсатишнинг яхлит тизими ташкил этилди. Онкология хизматининг ягона вертикал интеграциялаштирилган тизими яратилди, онкология муассасаларини замонавий юқори технологияли асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш ишлари амалга оширилмоқда, профессионал кадрлар тайёрлашнинг замонавий илмий мактаби шакллантирилган [6].

2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинган бўлиб, унда мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларни жорий қилиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш каби вазифалар белгиланган [4].

Унда турли ёшдаги аёлларда сут бези саратонини ташхислашда тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтариш ва сифатли тиббий хизмат кўрсатишда замонавий технологияларни қўллаш, касалликнинг эпидемиологик тарқалиш хусусиятларини таҳлил қилиш орқали хасталанган аёллар орасида ўлим даражасини камайтириш ва умр кўриш давомийлигини узайтириш имкони туғилади. Онкология муассасалари амалиётида саратонга ташхис қўйиш ва даволашнинг бир қанча замонавий усуллари жорий этилган, онкологик патология профилактикаси тизими такомиллаштирилмоқда, бу эса касалликларнинг илк босқичларида беморларни икки баравар кўп аниқлаш имконини берди [6].

Халқаро саратон тадқиқотлари агентлигининг “GLOBACAN 2020:New Global Cancer Data” ташкилотининг маълумотларига қараганда «...сут беzi хавфли ўсмасидан ўлим даражаси мамлакатнинг иқтисодий даромадига қараб кескин ўзгариши, яъни иқтисодий самардорлиги юқори бўлган мамлакатларда ўлим даражаси 24%, паст ва ўртача даражали мамлакатларда 38-48%ни ташкил этади. Бунда сут беzi хавфли ўсмасидан юзага келадиган ўлимнинг 1,5 миллионга яқинини бартараф этиш мумкинлиги....» қайд қилинган [1].

Ўзбекистонда саратонга қарши дори воситаларининг ассортимент таҳлилига кура 2010-2019 йиллар ичида ўсмага қарши препаратларнинг ўртача 87% хорижий давлардан, 12,7% Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлардан импорт қилиниши аниқланди [2].

Шу билан бирга, бутун жаҳонда бўлгани сингари, республикада онкологик касалликлар ўсиши қайд этилмоқда. Тиббиёт фанини ривожлантиришнинг замонавий босқичи саратон касалликларининг олдини олиш чораларини янада такомиллаштиришга ва республика аҳолисига онкологик ёрдам бериш сифатини жаҳон андозалари даражасигача оширишга йўналтирилган устувор вазифалар ҳал этилишини тақозо қилади.

**УСУЛЛАР.** Дори воситаларининг ҳаражатлар самарадорлик ва касалланиш қиймати усулларининг қиёсий таҳлили, контент таҳлил.

**НАТИЖАЛАР.** Бугунги кунда сут беzi саратони бутун дунёда тарқалганлиги ва аёлларда учрайдиган онкологик касалликлар оқибатидаги ўлим ҳолатлари бўйича структурада биринчи ўринни эгаллаб келмоқда. Ташхислаш ва даволаш услубиётларининг мукаммаллашишига қарамай, сўнгги ўн йилликда сут беzi саратони билан касалланиш жадал ўсиб бормоқда, ўлим миқдори ҳам секин пасаймоқда. Бу вазият сут беzi саратони билан янада самаралироқ кураш услубларини излашни талаб қилади, жумладан даволаш ва ташхислашнинг янада самаралироқ услубларини ривожлантириш учун янги онкогенларни излаш, ҳамда чекланган маблағ ҳолатида янада самарали натижалар олиш учун уларни энг рационал равишда қўллаш ҳам назарда тутилган. Шу муносабатдан, сўнгги вақтларда терапия схемасига янги воситалар келиб қўшилганда, жумладан ўсимтага қарши воситалар ҳам, воситаларнинг клиник самарадорлиги ва хавфсизлиги билан бирга, уларнинг фармакологик-иқтисодий самарадорлигига ҳам катта эътибор қаратилади. Бундан ташқари, онкологик касалликларни даволашнинг турли услубий комбинацияларнинг аксарияти яшаб қолиш кўрсаткичлари бўйича ўхшаш натижалар берди ва ножўя ҳолатлар хавфи билан ёндош кечади, улар эса беморлар ҳаёт сифатига таъсир кўрсатади, янги амалиётлар самарадорлигини баҳолашда муҳим мезонлардан бири

амалиётларнинг беморлар ҳаёт сифатига таъсирининг баҳоси ҳисобланади. Сўнги 10 йилликда сут беzi саратонини даволашда энг муҳим ютуқлардан бири HER2-рецепторлар гиперэкспрессияси билан сут беzi саратони беморларини даволаш учун трастузумаб воситасининг яратилиши бўлди, восита сут безининг турли шакл ўсимталари орасида ўта агрессив тури бўлиб, беморларнинг 20-30% ида учрайди. Трастузумабни HER2+СБС эрта босқичларида ва метастаза босқичида даволаш учун стандарт кимётерапия билан турли уйғунликда қўллашнинг клиник самарадорлиги ва хавфсизлиги катта миқдордаги клиник тадқиқотларда яхши ўрганилди. Шу билан бирга, трастузумабнинг HER2+СБС эрта босқичларидаги беморларда ҳаёт сифатига таъсири ҳам ўрганилмаган. Даволаш схемасига киритилган трастузумабнинг юкори нархи унинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш заруратини талаб қилади. Бироқ, бугунги кунгача Ўзбекистонда трастузумабни HER2+СБС терапиясида қўлланилиши бўйича фармакологик-иқтисодий тадқиқотлар ўтказилмаган, аммо восита клиник амалиётда кенг қўлланилмоқда. Шу билан бирга, мазкур касалликнинг ижтимоий-иқтисодий самараси аниқлаб берилмаган.

Юкоридагилардан келиб чиқиб, Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Тошкент вилоят филиалида сут беzi саратонини даволашни иқтисодий таҳлил қилиш ва трастузумабни Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизими позициясидан HER2+СБС эрта босқичларидаги самарадорлигини баҳолаш мақсадга мувофиқ бўлди. Мазкур тадқиқотда сут беzi саратонининг иқтисодий самараси ҳисобланди ва HER2+СБС эрта босқичларида Ўзбекистон соғлиқни сақлаш шароитида трастузумабни қўллаш орқали бир йиллик адъювант терапиянинг фармакологик-иқтисодий самарадорлиги баҳоланди.

Тадқиқот объектлари сифатида 2019-2020 йилларда эрта босқичлардаги HER2+СБС ташхиси қўйилган бемор аёлларнинг 142 та касаллик тарихи олинди; 2019-2020 йилларда эрта босқичлардаги HER2+СБС ташхиси қўйилган бемор аёлларнинг 78 та сўровномалари олинди. Натижалар 1 – жадвалда келтирилган бўлиб, унга асосан таргет дори воситаси бўлган трастумузаб билан даволаш қиймати 101 828 298 сўмни ташкил қилганлигини кўришимиз мумкин.

Тадқиқот давомида илк бора трастузумаб билан бир йиллик адъювант терапиянинг эрта босқичдаги HER2+СБС беморлари ҳаёт сифатига таъсири ўрганиб чиқилди ва трастузумаб билан бир йиллик адъювант терапия жисмоний функция бажариш даражасини яхшилагани ва салбий

симптомларнинг камайтиргани (холсизлик, иштаҳанинг ёмонлиги, ошқозон-ичак тракти фаолиятини ёмонлашиши) ўрганилди.

1-жадвал

**HER-2 + сут беzi саратонининг эрта босқичларида трастузумаб таргет дори воситаси билан даволашнинг қиймати**

	Даволаш жараёнининг кетма кетлиги	Қиймати (сўм)
1	АС×4→ (Доцетаксел + трастузумаб) ×4	8 593 196
2	АС×4→ (P + трастузумаб) ×4	11 235 900
3	АС×4→ (P×4 + трастузумаб) ×12	27 685 548
4	АС×4→(D+ карбоплатин + трастузумаб) ×4	11 838 276
5	АС×4→(P+карбоплатин+ трастузумаб) ×12	28 056 072
6	АС×4→(P + карбоплатин + трастузумаб) ×4	12 363 100
7	P + трастузумаб	2 056 206
	ЖАМИ	101 828 298

Тадқиқот натижаларига кўра, илк бора сут беzi саратонида иқтисодий зарар ва Ўзбекистон соғлиқни сақлаш тизими шароитида сут беzi саратонининг турли босқичларида даволашга ҳаражатлар аниқланди. Аниқланишича, маҳаллий ва ҳорижий стандартлар бўйича турли босқичдаги сут беzi саратонини даволашга йиллик ҳаражатлар ўлчами ва тузилмаси бўйича фарқланади.

Замонавий фармакоиктисодий таҳлил услублари асосида компьютер модели ишлаб чиқилди. Мазкур модел сут беzi саратонининг турли босқичларини даволашга ҳаражатларни башорат қилиш ва сут беzi саратони беморларни даволашда фармакотерапиянинг турли схемаларини фармакоиктисодий самарадорлиги, зарурати, оммабоплиги баҳоланди.

Замонавий фармакологик-иктисодий ёндашувларни қўллаш орқали соғлиқни сақлаш тизими шароитидан келиб чиқиб, ишлаб чиқилган модел асосида трастузумабнинг эрта босқичдаги HER2+СБС нинг бир йиллик адъювант терапиясида фармакологик-иктисодий самарадорлиги ва оммабоплиги исботланди.

Олинган натижаларни жорий этиш сут беzi саратони беморларига тиббий ёрдам кўрсатиш самарадорлиги, оммабоплиги ва сифатини ошириш имконини беради. Сут беzi саратонини даволаш билан боғлиқ ҳаражатларни камайишига ёрдам беради, бу эса сут беzi саратонини даволашда дори воситаларини оқилона қўллашга ёрдам беради.

Сут беzi саратонини даволашнинг қиймати

СБС босқичлари	Кимётерапия схемаси	Қиймати ( сўм)
I	Кўкракнинг резекцияси (Ж)	3 222 000
II	АС (Доксорубицин 60 мг + циклофосфамид 600 мг / м2 ) Р (паклитаксел 175 мг / м2 ) АС×3→Р×3 + жаррохлик	А 1 648 026 + С 610 281 + Р 661 206 + Ж 3 222 000 = 6 142 042
III	АС×4→Р×4 + жаррохлик + нур терапия	АС- 3 011 076 + Р – 881 608 + Ж- 3 222 000 + Н -3 725 000 = 10 839 684
IV	АС×4→Р×4 + нур терапия+симтоматик даволаш	АС – 3 011 076+Р– 881 608 + Н – 3 725 000+ С – 2 683 090 = 10 300 774

Сут беzi саратонининг турли босқичларидаги даволаш жараёнлари ўрганилди ва харажатлар “касалланиш қиймати“ усулида ҳисобланди. “Касалланиш қиймати таҳлили” усулида нарх кўрсаткичи (COI) қуйидаги формула ёрдамида ҳисоблаб топилади.( 2 – жадвал)

$$COI = DC + IC$$

бу ерда,

COI – касалликнинг умумий қиймати, нархи;

DC – бевосита харажатлар;

IC – билвосита харажатлар.

Маълум бир касалликка чалинган битта беморни даволашга тариф қуйидаги формула ёрдамида ҳисоблаб топилади:

$$T = (COI_1 + COI_2 + COI_3 + \dots COI_n) / n,$$

бу ерда,

T – даволаш-профилактика муассасасида маълум бир касалликка чалинган битта беморни даволашга тариф;

COI – маълум бир касалликка чалинган битта беморни даволаш қиймати;

n – даволаш-профилактика муассасасида даволанган беморлар [3].

**МУҲОКАМА.** 1. Турли босқичдаги СБС ни даволаш харажатлари маҳаллий ва ҳорижий стандартлар бўйича ўлчами ва тузилмаси

бўйича фарқланади. Сут беи саратонининг турли босқичларидаги даволаш жараёнлари ўрганилди ва харажатлар “касалланиш қиймати” усулида хисобланди.

2. I босқичда 9 038 674 сўм, II босқичда 10 462 649 сўм, III босқичда 14 658 974 сўм ва IV босқичда 14 120 064 сўм харажат кетганлиги аниқланди. СБС ни даволаш учун қўлланиладиган ўсимтага қарши воситалар орасида таргет воситалар (трастузумаб, бевацизумаб) ва таксанлар (паклитаксел, доцетаксел) энг кичик ҳажмдаги қадоғи энг юқори нархларда бўлганлиги учун энг кўп истеъмоли кузатилган.

3.Трастузумабнинг самарадорлиги ва хавфсизлигини ўрганиш бўйича клиник тадқиқотларнинг қиёсий шарҳида трастузумабнинг HER2+СБС нинг эрта ва метастаза босқичларида бошқа ўсимтага қарши воситалар билан комбинацияда даволашда юқори самарадор ва хавфсиз эканини намоён қилди.

4. HER2+СБС нинг эрта босқичлари трастузумаб билан бир йиллик адьювант терапияни ўтказиш учун самарадорлик ва зарурийлик мезонлари сифатида сақлаб қолинган сифатли умр йиллари олинди.

#### АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.

1. Султонова Г.А., Азимова Н.А., Султонова Г.А., Алланазаров.Р.С. «Анализ показателей заболеваемости раком молочной железы в Ташкентской области Республике Узбекистан»Материалы IX международной научно-практической дистанционной конференции. 2021 год, Харьков, С.120.
2. Султанова Г.А., Мусаходжаева И.Н., Сатторова Д.Н. “Ўзбекистон фармацевтика бозорида ўсмага қарши дори воситаларининг таҳлили” “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” га бағишланган Талабалар илмий жамиятининг анъанавий 78-илмий онлайн анжуман материаллари. Тошкент.2021. 116-118 б.
3. Суюнов Н.Д. Фармакоэкономический анализ и оптимизация лекарственного обеспечения пациентов с заболеваниями органов дыхания // Монография. – Ташкент. Фан, С.2013. – 240.
4. Ўзбекистон Президенти Мирзиёев Ш.М. 2017 йил 20 июндаги «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора–тадбирлари тўғрисида» ПҚ-3071.
5. Ўзбекистон Президенти Мирзиёев Ш.М. 2016-йил 31-октябрь. “Аҳолини дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлашни янада яхшилашга доир чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-2647.
6. Ўзбекистон Президенти Мирзиёев Ш.М. "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида онкология хизматини янада ривожлантириш ва аҳолига